

**МАТНИЁЗ ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ
ВАҚФНОМАСИНИНГ ТОШКЕНТ НУСХАСИ**

Султонов Ўктамбек Абдулганиевич, Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти,
Tashkent International University, тарих фанлари доктори,
профессор

**TASHKENT COPY OF WAQF-NAMA OF
MATNIYAZ DIWANBIGI MADRASA**

Sultonov Uktambek Abdulganievich, Abu Rayhan Beruni Institute
of Oriental Studies,

Tashkent International University, Doctor of Sciences, professor

**ТАШКЕНТСКИЙ СПИСОК ВАҚФ-НАМЕ
МЕДРЕСЕ МАТНИЯЗА ДЕВАНБЕГИ**

Султонов Уктамбек Абдулганиевич, Институт
востоковедения АНРУз. имени Абу Райхана Беруни,
Tashkent International University, доктор исторических
наук, профессор

Аннотация: Мақола Хивадаги Матниёз девонбеги мадрасаси вақфномасининг Тошкент нусхасига бағишланган. Унда вақфноманинг палеографик хусусиятлари, мадрасанинг хонлик ҳудудининг 336 мавзеида жойлашган вақф ерлари, улардан келган даромад тақсимооти ҳамда муассасадаги ўқув жараёни ўрганилган.

Калим сўзлар: Хива хонлиги, Матниёз девонбеги, вақфнома, вақф мулклар, Ичан қалъа, Хива, Тошкент.

Abstract: The article is devoted to the study of the Tashkent copy of the waqf document of the Matniyaz Divanbegi madrasah in Khiva. It studies the paleographic features of this document, investigates the waqf lands of the madrasah located in 336 rural settlements of the khanate, and examines issues of income distribution, and the educational process of this institution.

Keywords: Khiva khanate, Matniyaz diwanbigi, waqf document, waqf endowments, Ichan-qal'a, Khiva, and Tashkent.

Аннотация: Статья посвящена изучению ташкентского экземпляра вакфного документа медресе Матнияз диванбеги в Хиве. В ней изучены палеографические особенности данного документа, были расследованы вакуфные земли медресе, расположенные в 336 местностях территории ханства, а также вопросы распределения доходов и учебного процесса этого учреждения.

Ключевые слова: Хивинское ханство, Матнияз деванбеги, вакф-наме, Ичан-Калъа, Хива, Ташкент.

КИРИШ. Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондида ҳозирда турли осори-атикалар катори араб, форс ва туркий тилларда ёзилган қўлёзмалар ҳамда эски ҳужжатлар ҳам сақланади. Тарихий ҳужжатлар орасида айниқса Хивада тузилган иккита вақфнома музей фондидаги энг нодир экспонатлардан саналади.

Улардан бири Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг (х.й. 1864–1910), иккинчиси эса хонликдаги давлат амалдори Матниёз девонбегининг Ичан қалъада қурдирган мадрасаларининг махсус буюртма билан, хуснихатда ёзилган вақфномасидир. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Хива хонлиги ҳудудига



<https://orcid.org/0000-0002-7746-7990>

e-mail: usultonov@mail.ru

алоқадор юзлаб вақфномалар сақланиб қолган. Лекин уларнинг барчаси ҳам йирик ўлчам ва юқори даражадаги хаттотлик намунаси сифатида тайёрланмаган. Ушбу мақолада биз Матниёз девонбеги мадрасаси вақфномасининг Тошкент нусхаси ва унинг аҳамияти ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ушбу вақфнома узоқ йиллар Ўзбекистон тарихи музейида доимий экспозиция залида, Муҳаммад Раҳимхон II вақфномаси билан бирга намойишга қўйилган. Лекин кўпчилик, ҳатто мутахассислар ҳам унинг тўлиқ мазмуни билан таниш бўлмаган. Вақфноманинг таркиби, мадрасага вақф қилинган ер-мулклар тавсифи изчил ўрганилиб илмий доираларда эълон қилинмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Муҳаммад Ниёз девонбеги Курбон Ниёз маҳрам ўғли (бундан кейин Матниёз девонбеги) қурдирган мадрасанинг меъморий тузилиши Ичан қалъадаги бошқа иншоотлар қатори яхши ўрганилган. Ушбу тадқиқотларга қараганда, мадраса сатҳи 36,4x31,8 метр. Иншоотнинг асосий фасади эса Муҳаммад Аминхон мадрасасига қаратиб қурилган [1: 124-126]. Ю. Раҳмонованинг қайд қилишича, бу мадрасани қуриш 1868 йилда бошланган. Мадраса жами 20 та хужралик қилиб, пишиқ қурилган. Бинонинг ўзи хоразмча оқ-кўк, зангори кошин парчинлар билан безатилган [2: 157]. Муаррих ва давлат арбоби Огаҳий (1809–1894) қаламига мансуб форсий тилдаги шеър – таърих эса ушбу иншоотнинг кириш эшигига битиб қўйилган [4:51]. Умуман олганда, бир қатор нашрларда Матниёз девонбеги мадрасасининг меъморий қиёфаси ҳақида асосий маълумотлар берилган. Лекин мадраса фаолияти ҳамда вақф мулклари ҳақида қимматли маълумотлар акс этган бу вақфноманинг Тошкентдаги нусхаси махсус илмий изланишларга жалб этилмаган.

НАТИЖАЛАР. Матниёз девонбеги вақфномасининг Тошкент нусхаси ушбу мадраса вақф мулклари расмийлаштирилган энг йирик ҳуқуқий ҳужжатлардан бири. Вақфнома 892x54,5 см ўлчамдаги Қўқон қоғозига, каллиграфик настаълиқ хатида ёзилган. Жами 253 сатрдан иборат[5]. Вақфномага ёрқин рангли ислими унвон ишланган. Ҳамду сано қисмида оят, ҳадис ва бошқа арабий калималар қизил сиёҳда ёзилган. Шунингдек, Пайғамбар алайҳиссалом, чаҳорёрлар, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон

мадҳ этилган форсий ва туркий шеърлар битилган. Вақфнома ҳижрий 1287 йил 4 жумод ул-аввал (1870 й., 2 август) санасида тузилган. Ўша вақтда мадраса биносининг қурилиш ишлари якунига етказилган эди [2:157].

Матниёз девонбеги мадрасасининг яна бир вақф ҳужжати маълум. Бу нусха Хива давлат “Ичан қалъа” тарихий-меъморий музей кўриқхонасида, 1305 тартиб рақам билан сақланади. Унинг ҳам 1287 йил 4 жумод ул-аввал (1870 й., 2 август) санасида тузилгани қайд қилинган. Лекин матнда баъзи фарқлар бор. Асосий фарқ эса Ичан қалъа нусхаси охирига яна 4 та вақф мулки ҳақидаги маълумот қўшиб қўйилган. Уларда Матниёз девонбегининг укаси Бекниёз маҳрам ҳамда ўғли Абдуллоҳ маҳрам тарафидан ажратилган катта бўлмаган ерлар ҳамда ҳар бири 200 тилла пул вақф қилган [3].

МУҲОКАМА. Матниёз девонбеги мадрасаси вақфномасининг Тошкент нусхаси ушбу мадраса тавсифи, у ердаги таълим тизими, вақф мулклари ва иқтисодий аҳволи ҳақида батафсил маълумот берилгани билан ажралиб туради. Ҳужжатда айтилишича, Матниёз девонбеги Ичан қалъадаги Саййид Аловуддин ота мазори яқинида, тахминан 0,5 таноб ер сотиб олиб, мадраса, кўшмасжид ва миёнсарой бино қилган. Мадраса худуди узунлиги 41 газ, кенглиги 28 газни ташкил қилган [5]. Матниёз девонбеги воқиф сифатида мадрасага Ҳазораспнинг Тўртдаҳа мавзеида 50 таноб, Шўрахон мавзеининг Тўрткўл ёфи бўйида 300 таноб, Қиёт Рафинак мавзеида 25 таноб, Манғит мавзеида 110 таноб, Шўрахон мавзеида яна 70 таноб – жами 555 таноб ер, шунингдек бу ерларнинг ичида жойлашган 4 та боғ ва 4 та ҳовлини вақф қилиб берган. Бундан ташқари, воқиф ушбу мадраса саҳнида ўзи бино қилган 18 дўконни ҳам вақф қилган. Мазкур вақфларнинг мутаваллиси этиб воқифнинг ўзи ва унинг укаси Бекниёз маҳрам тайинланган. Улардан сўнг мутаваллилик вазифаси муносиб авлодларга, агар лойиқ бир авлод қолмаса мадраса мударрисига ўтиши белгиланган.

Вақфномада мадраса мударриси, масжиддаги имом ва муаззин, фаррош, сартарош ва қудуқчи вазифасига тайинланадиган шахслар ҳамда талабаларга ҳам шартлар қўйилган. Жумладан, вақф даромади анъана бўйича аввало мадраса таъмирига, сўнг мутавалли хизмат ҳаққига 1/10 қисм даҳяк тўланган. Мадраса

масжиди ва дарсхона харажатлари (чироғ ва бўйра) учун муаззин қўлига 20 ботмон ғалла берилган. Мадраса имомига 200 ботмон, муаззинига 100 ботмон, фаррошга 50 ботмон, сартарошга 40 ботмон, қудуқчига 30 ботмон ғалла тўланган. Улардан ортган ғалланинг 1/4 қисми мударрисга, 3/4 қисми эса мадрасада яшаб таҳсил олувчи талабаларга адно, авсат ва аъло даражасига қараб тақсимланган. Бунинг учун талабалар “Аввали илм”дан “Шарҳи Муллахон”гача – адно, “Шарҳи Муллахон”дан “Ақоидхон”гача – авсат, “Ақоидхон”дан “Охири илм”гача – аъло даражага бўлинган. Воқиф шартига кўра талабаларнинг мадрасада яшаб таҳсил олиши ва таътил вақтлари қатъий кўрсатилган. Унга кўра, мадрасада рамазон ойдан олдин 10 кун, рамазон ойи ичи, шунингдек қурбон ҳайити ва Наврўздин олдин 1 ойдан, жами 3 ой 10 кун таътил белгиланган. Ҳар йили рамазон ойида мадрасада 1 марта хатми Куръон қилиниши, бир қорига 40 ботмон, икки сомеъга 15 ботмондан ғалла берилиши тайинланган.

Бу вақфноманинг сўнгида ҳам анъанага мувофиқ мадрасанинг бошқа вақф мулклари рўйхати ва даромади расмийлаштирилган. Ғалла ўлчови ҳужжатда кўрсатилганидек, Хива бозорида муомалада бўлган ҳар бири 4000 мисқолга тенг бўлган ботмонда ҳисобланди. Вақфномада умумий ҳисобда Ҳазорасп, Бешарик, Фитнак каби маъмурий бирликларида жойлашган Тўртдаҳа, Овшар, Чингти, Пичокчи, Шершоли, Жавондур, Махомон, Найман, Бўсолоқ-Найман, Тама, Ишқобод, Кулончи, Бойқўрғон, Шўрахон, Қиёт-Рафинак, Манғит, Оқбошлиқўл, Чатик, Оқмасжид, Кушанда, Жулон, Манок-Чиғатой, Беқобод, Қанғли, Кол, Атроқмон мавзеларида ҳамда Хива шаҳрининг

Гулбинбоғ, Севгонхўжа мавзеларидаги ер-мулклар вақф қилинган. Умумий ҳисобда мадрасага 336 та ерда жойлашган тахминан 1455 таноб ер-мулк вақф қилиб берилган [5]. Мазкур ерлардан мадрасага йилига 2800 га яқин ботмон ғалла топширилиши режалаштирилган.

ХУЛОСА. Матниёз девонбеги мадрасаси вақфномасининг Тошкент нусхаси ушбу муассаса иқтисодий аҳволи ҳақида маълумот берувчи манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Вақфнома Хива хонлигида юқори табақа вакиллари ҳужжатларини юқори савияда тайёрлаш анъанасининг ёрқин намунаси сифатида ҳам қадрли. Вақфномадаги қайдларга қараганда, Матниёз девонбеги мадрасаси хонликдаги йирик вақф хўжалиқларидан бири бўлган, катта миқдордаги экин ерлар ва савдо дўконларига эгаллик қилган. Шу сабабли, келгусида вақфноманинг Тошкент ва Хива нусхаларини, қолаверса мадрасага алоқадор бошқа материалларни тизимли тадқиқ этиш унинг ҳам иқтисодий аҳволини, ҳам таълим даргоҳи сифатидаги фаолиятини кенг ёритиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент, 1978.
2. Раҳмонова Ю. Хива шаҳри тарихи (анъана ва ўзгаришлар, XVI аср – XX аср бошлари). – Тошкент: Академнашр, 2019.
3. Хива давлат “Ичан қалъа” тарихий-меъморий музей кўриқхонаси. Кк-1305-ҳужжат.
4. Худойберганов К. Хива. Дунёдаги энг кўҳна қалъа. – Тошкент, 2012.
5. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Кк Э-1446/15-ҳужжат.

